



O'ZBEK TILI, ADABIYOTI  
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ  
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда  
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

**4**  
**2021**

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти

Тошкент - 2021

*Боши муҳаррир:*

Низомиддин МАҲМУДОВ

*Таҳрир ҳайъати:*

Раҳматулла БАРАКАЕВ  
Маматқул ЖҮРАЕВ  
(боши муҳаррир ўринбосари)  
Наим КАРИМОВ

Баҳодир КАРИМОВ  
Дурдона ЛУТФУЛАЕВА  
Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ  
(боши муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр НАЗАРОВ  
(боши муҳаррир ўринбосари)  
Ёрқинжон ОДИЛОВ  
Эргаш ОЧИЛОВ  
(масъул котиб)

Шомирза ТУРДИМОВ  
Боқиҷон ТЎХЛИЕВ  
Алмаз УЛВИЙ  
Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА  
Жаббор ЭШОНҚУЛОВ  
Бердак ЮСУФ  
Курдош ҚАҲРАМОНОВ  
Улугбек ҲАМДАМОВ  
Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Манзилимиз:  
100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй  
Телефон: (71) 233-71-44  
E-mail: jurnal\_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти  
№ 4, 2021

Мухаррир Э. Очилов  
Компьютерда сахифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома №0053

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"  
Босмахонасида чоп этилди.  
Буюртма № 04  
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,  
Нурмакон кўчаси, 1-уй.  
Қоғоз бичими 70x108, 1/16  
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.  
Шартли-босма табоғи 8,5  
Тираж 436 нусха. Келишилган нархда.

Шоира АХМЕДОВА

### ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ

Ёзувчининг адабий ўйлари унинг ижодий лабораториясига йўл кўрсатиши, адабий жараён, адабиёт ҳақидаги умумлашма кузатишлари, улардан илмий-назарий хулоса чиқариши жиҳатидан адабий танқид ривожида катта аҳамиятга эга. Бу сирадаги асарларда ўйлар, адабий-танқидий қарашлар ва адабий кузатишлар коришик ҳолда келади. Шуни қайд этиш керакки, таникли ёзувчилар асарлари адабиёт ривожида қанчалик катта ўрин тутса, уларнинг адабий-танқидий мақола, сухбат, мактублари, адабий ўй, қайдлари ҳам адабиётшунослик камолида шунчалик муҳим ўрин тутади. Зотан, ёзувчи ушбу йўналишдаги асарда танқидчи ва тадқиқотчи сифатида намоён бўлади. Бу жиҳатдан, айниқса, Ўткир Ҳошимовнинг адабий ўйларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Адибнинг бой бадиий ижодий тажрибаси, илмий тадқиқотчилик йўналишидаги самарали фаолияти адабий ўйларининг ўзига хослиги ва муваффақиятини таъминлаган. Ёзувчи ижоди, шахсияти, табиати, асарларининг ёзилиш жараённига алоқадор фикрлар эркин ифодаланади.

Ёзувчи эссесининг ўзига хослиги, аввало, қуйидаги белгиларда кўринади: уларда муаллиф ўзига хослигининг муҳри ҳисобланган ички эмоционал тўлқин кишини ўзига жалб этади, бу нарса адибнинг нозик ижодий табиати, аниқ нуқтаи назари билан характерланади, қолаверса, бундай рухият манзараларининг товланишлари эссида бадиий этюдларни, қайдларни, қатра-қатра фикр-ўйлар силсиласини ташкил этади ва ниҳоят, Ў.Ҳошимов адабий ўйларида тасаввур, ҳис-туйғу, фикрларнинг ўзаро боғланиши, тафаккурнинг кучли парвози унинг кенг ўқувчилар оммаси кўнглига олиб кирган асосий фазилатларидан эканлигига кўзга ташланади.

Адабий-танқидий эссе илмий ва образли тафаккур намунаси бўлиб, улар адабиёт муаммолари, ҳаёт ҳақидаги кузатишларнинг эркин ифодаси, ёзувчи ёки шоир ҳаёт йўлининг турли-туман воситалар (хотира, афсона, иқрорлар ва х.к.) асосидаги мулоҳазаларидан иборатdir<sup>1</sup>. Эссени шакллантирувчи белгилардан бири эркин мулоҳаза юритиш ва шундан келиб чиқиб, қолипларга бўйсунмаслик, шу билан бирга ранг-баранг ифода воситаларидан фойдаланишдир. "Нотаниш орол"да ҳам худди шу хусусият устуворлигини кўриш мумкин<sup>2</sup>. Китоб "Ёзувчи ва давр" рукнида нашр этилган бўлиб, "ўйлар, сухбатлар, ҳангомалар, саёҳатнома, дафтар ҳошиясидаги битиклар"дан иборат.

"Авлодларга нима деймиз" мақоласини адиб "Ўйлар" рукнида берган. Бу рукнида берилган "Бир-биримизни асройлик" очиқ хат ҳисобланади. "Дўстлик

<sup>1</sup> Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: "Фан", 2008, 148 бет.

<sup>2</sup> Ҳошимов Ў. Нотаниш орол. – Тошкент. "Ёш гвардия", 1990. Мақоладаги мисоллар ҳам шу нашрдан олиниб, сахифаси қавс ичидаги кўрсатилади.

хұрматдан бошланади" ҳам шу руқнда берилған. Улар күпроқ публицистик йұналишга мансуб.

"Нотаниш орол" китобидан адібнинг сұхбатлари ҳам ўрин олған. Сұхбатларни ўқыр экансиз, сұхбатдошларнинг адабиёт ҳақидағи қараашлари, фикрлашлари, бадий ва илмий тафаккур тарзи, адабий жараён, бадий асар, адабий муаммоларға муносабати ёрқин намоён бўлиб туради. Чунки адабий-танқидий сұхбат адабий танқидчиликнинг алоҳида бир жанри сифатида ўзига хос хусусиятларга, табиатта зәалиги учун кўпчилек шоир ва адилар, танқидчилар ижодида устуворлиги кўринади.

Ўзбек танқидчилигидаги сұхбатларни кузатар эканмиз, унда күпроқ икки сұхбатдошнинг адабий мулоқоти кенг тарқалганини кўриш мумкин. Ў.Ҳошимовнинг "Кўркув салтанати" деб номланган сұхбати фикримизга мисол бўла олади. Сұхбат "Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СЯ – 928 ракамли собиқ "сиёсий маҳбус", собиқ "халқ душмани" Сайд Ахмад билан 1980 йилларда ўтказилган бўлиб, ҳалқимизнинг севимли ёзувчи бошидан ўтказган оғир кунлар ҳақида биринчи марта рўйи-рост, бор ҳақиқатни гапириб беради. Тўғри, кейинчалик, адібнинг беш йил қамоқхоналарда кечган ҳаётига бағишинган ҳикоялари, хотиралари босилиб чиқди. Аммо улар мазкур сұхбатдан кейинроқ босилди. Шунинг учун китобхонлар сұхбатда биринчи марта халқ сўйган адібнинг хеч қандай гуноҳсиз қамалиши билан боғлиқ воқеаларни ўз оғзидан эшитадилар. Сұхбатдошлар репрессия давридаги шароит, А.Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби адиларнинг бошидан ўтган оғир кунлар ҳақида ҳам фикр юритадиларки, ундан китобхон XX асрнинг 50-йиллари катағони ҳақида тўлиқ маълумот ола билади.

Кўрамизки, адібнинг инсон ва жамиятнинг маънавий тафаккурини шакллантирувчи эркин мулоҳазаларида ижодкор шахси, унинг тафаккур олами, дунёқараши бош қаҳрамон сифатида гавдаланади. Адіб муайян адабий-бадий ҳодисалар ҳақидағи ўз таассурот ва мулоҳазаларига, бадий асар қаҳрамонларининг реал ҳаётига доир қизиқ воқеалар тасвири, табиатнинг дилбар манзаралари, таҳлил этилаётган мавзуу ва ҳодисалар ҳақида китобхон билан бевосита эркин мулоқот қилишга ҳам кенг ўрин берадики, бу асарни ўқишли қилган фазилатлардан биридир.

"Ёзувчи хати бевосита бадий адабиётга яқин туради ва баъзан бадий ижоднинг маҳсус турига айланиши ҳам мумкин"<sup>3</sup>. Бизнингча, ёзувчи хатини кимга ва нима муносабат билан ёзилганига қараб тасниф қилиш жоиз. Баъзи хатларни ҳақиқатан ҳам бадий ижод тури сифатида, баъзиларини танқидий тафаккур мевалари сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, эпистоляр жанр муаллифнинг кечинмаларини ўзига хос чуқурлиги ва қизғинлигини ёритиш имкониятларини беради. Ёзувчиларнинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, адабий мавзуларда ёзилган мактубларида ҳам, муайян шахсларга қаратса ёзган шахсий хатларида ҳам<sup>4</sup> адабиёт, адабий-бадий муаммолар ҳақида фикр юритилиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда адабий-танқидий мактубларини алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Зоро, ёзувчи хатларида бадий-фалсафий тафаккур асосий ўрин тутади, шу билан

<sup>3</sup> А л е к с е е в М.П. Письма Тургенеева. // Тургенев И.С. Полн. собр.соч. и писем. Письма. Том 1. – М.-Л., 1961.– С.15.

<sup>4</sup> А х м е д о в а Ш. Мактубот ва адабий танқид. – Тошкент: "Фан", 2005, 86-бет.

бирга ижтимоий-фалсафий тафаккур усулидан ҳам фойдаланилади. Шу жиҳатдан қарасақ, Ў.Ҳошимов мактублари унинг ижодий, маънавий қиёфасини яхлит ўрганишда муҳим восита бўлиб қиласди.

Ў.Ҳошимов нафақат адиб, балки адабий жараёнга бефарқ бўлмаган танқидчи, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол публицист сифатида фаолият кўрсатган эди. Адеб ижодида турли муносабат билан ёзилган мактубларни С.Курбонова куйидагича тасниф қиласди:

1. Адебнинг ижодкор дўстларига ёзган мактублари. "Бир-биримизни асрайлар!"

2. Ёзувчининг китобхонга ёзган мактублари. "Мен - сен эмасман" (Уч мактубга бир жавоб).

3. Ёзувчи мақоласида қархамон тилидан битилган мактуб. "Олисдан келган хат", "Болада нима гуноҳ"<sup>5</sup>. Аммо тадқиқотчи бу мактубларни ёзувчининг бадиий публицистикасига киритади. Бизнингча, уларнинг баъзилари: "Олисдан келган хат", "Болада нима гуноҳ" кабилар публицистик хат намуналари ҳисобланади. Бошқалари эса адабий-танқидий мактублар ҳисобланади, чунки уларда адебнинг адабиёт ва адабий жараён, ижод лабораторияси, асарларининг ёзилиши ва ҳ.к. мулоҳазалар устуворлик қиласди.

Адебнинг "Бир-биримизни асрайлар!" деб номланган мактуби 1988 йилда ёзилган бўлиб, "Ҳамкасб дўстларимга очик хат" деб аталади. Мулоҳаза ва мушоҳадаларга бойлиги билан ажralиб турадиган мактубнинг жанрий белгиларидан бири мурожаат ҳисобланади. Ў.Ҳошимов ҳамкасларига мурожаат билан фикрини бошлайди: "Дўстлар! Келинг, бирлаҳза юзма-юз ўтириб, ўзимизни қийнаётган масалаларни бақамти гаплашиб олайлик. Жаҳл қилмасдан, эҳтиросларга берилмасдан. Биламан, биз – ёзувчи ҳалқи ҳиссиётли одамлармиз. Бирок, эҳтирос билан айтиладиган фикрларни осойишта гаплашса ҳам бўлади-ку, тўғрими?" Адеб бор ҳақиқатни айтиш ва эшитиш замони келганидан, ниҳоятда мамнун бўлганини яширмайди. Китобхонлар билан учрашувни эслар экан, китобсевар одамларнинг кўзидағи ҳаяжон, адабиётга, ёзувчиларга бўлган чексиз эҳтиром уни қаттиқ ларзага солади.

"Ҳар қандай асарнинг баҳосини энг холис икки ҳакам – китобхон билан вақт белгилайди... Адабиётимизнинг тамал тошини қўйган классикларимиздан тортиб, бугунги оқсоқолларгача, ўрта авлоддан тортиб энг ёш укаларимизгача ҳамманинг ўз ўрни бор. Кимни кўпроқ яхши кўриш масаласини эса китобхоннинг ўзи ҳал қиласди. Бунинг учун минбарга чиқиб обрў талашиш шарт эмас. Бу оддий ҳақиқатни тушуниш унчалик кийин эмасдир ахир!" (15-бет)

Адеб мустақиллик арафасида ёзган бу мактубида ошкораликнинг сунистеъмол қилинишидан хавотир олгани яққол сезилади. Мактубда бўш асарларнинг олдини тўсиш, чинакам бадиий маҳорат билан ёзилган китобларга кенг йўл очиш имкони туғилганидан хурсанд бўлиб, бу соҳада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар, йўл кўйиб келинаётган камчиликлар ҳам оз эмаслиги, танқидга муносабат, қаламкашлар ўртасидаги бехуда

<sup>5</sup> Курбонова С. Ўткір Ҳошимов ижодида мактуб жанри // "Ўзбек тили ва адабиёти", 2008, 5-сон, 77–79-бетлар.

тортишувлар, манманлик, гурухбозликка интилиш каби нұқсонларга кескин муносабати яққол намоён бўлади. "Хоҳлаймизми-йўқми, ҳаммамизнинг танглайимиз ўғи Ҳазрат Алишер Навоий, буёги 20-йиллардан бошланган реалистик адабиёт намояндадарининг асарлари билан кўтарилиган... Агар бир авлод ўзидан олдинги авлодларнинг изланишларини инкор этса, кейингилар ҳам бу авлод изланишларини бемалол йўқка чиқариши мумкин. Қолаверса, етмиш йил мобайнида ижод қиласи оталаримиз ва акаларимизнинг қандай шароитда яшагани, қай алпозда асар ёзганини ҳам унутмайлик" (19-бет). Шу муносабат билан у Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳхор каби буюк ёзувчилар асарларига ҳаққоний баҳо берар экан, "ўша даврлар удумларини чукурроқ ўрганиш"га чақиради. Уларнинг ижодий тажрибаларини ўрганиш, "хоҳлабми-хоҳламайми (кўп ҳолларда хоҳламай) йўл кўйган камчиликларидан сабок" чиқариш, келажак авлод учун энг фойдали хулоса бўлиши зарурлигини таъкидлайди.

Адиб нафақат ўз фаолиятига, балки ўша "турғунлик" давридаги барча ёзувчилар фаолиятига танқидий баҳо беради. "Бундан ҳам жиддийроқ айбимиз шундаки, биз бир-биrimizни қадрлашни унтиб қўйдик. Эслаб кўринг. Бинафшадек нозик, бинафшадек гўзал Миртемир домланинг ҳурматини ҳар доим ҳам ўрнига қўйдикми? Тарихнинг улуғ билимдони Миркарим Осим ҳаётида бирон марта раҳмат эшитдими? Ажойиб адиб Явdat Илёсов нима кўрди? Турғун Пўлат-чи? Хайриддин Салоҳ билан Юсуф Шомансур нега, ҳе йўқ-бе йўқ, ҳаётдан кўз юмди? Ахир, улар кўча чангитиб юрган безорилар эмас – Шоир эди-ку! "Катта шахсга" ёқмай қолган Мирзакалон Исмоилий бир чеккага суриб қўйилганда биронтамиз ғинг дедикми?.. Улар ҳаётдан ўтди. Ўзбекистонда нима кўп, кўча кўп. Нима кўп, мактаб кўп, кутубхона кўп. Биронтамиз айтдикми: булар – ижодкор эди, вақтида қадрига етмадик, энди ақалли руҳини шод қилайлик, номини агадийлаштирайлик, дедикми? Бир ёқадан бош чиқариб шунга харакат қилдикми?

Лоқайдлик бир карра гунох бўлса, ичиқоралик минг карра гунох!" (20-бет). Ёзилган ҳар бир яхши ҳикоя, ҳар бир жиддий танқидий мақола, ҳар бир гўзал шеърни ҳалқ бойлиги деб ҳисоблаган адиб уларга ғашлик билан қаровчиларни қоралайди. Шу муносабат билан А.Ориповнинг "Узлат" деган шеърининг яратилиши, шоир шахсияти билан боғлиқ аччиқ ҳақиқатларни баён этади, ҳалқ севган ёрқин истеъдодларни асраб-авайлашга чақиради (23-бет).

"Катта истеъдодларнинг қалби ҳамиша зириллаб туради. Чунки унда дард кўп бўлади. Талантлар нуқул оёғининг тагига қараб ивирсиб юрмайди. Нигоҳи узокларда бўлади. Майда-чуйда, ғирром "кураш усуллари"ни билмайди. Хоҳламайди ҳам. Шундай экан, уни чалиб йиқитишдан осони йўқ. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп. Қодирий билан Усмон Носирларни ичи қора одамлар курбон қилишган. Ойбек ва Қаҳхорни баҳил одамлар майиб қилишган. Эсимизни йигайлик, биродарлар! Шунча курбонлар етмайдими?! Бу ҳолда кетсак, эртанги куннинг Қодирийларини, Усмон Носирларини бой бериб қўймасмикинмиз? Эртанги куннинг Ойбекларини, Қаҳхорларини майиб қилмасмикинмиз? Қаҳхор домла айтгандек, адабиётнинг атомдек кучини ўтин ёришга, аниқроги, бир-биrimizнинг бошимизни ёришга сарфламайлик".

Мактуб қайта қуриш даврида ёзилган, шунинг учун унда шиддатли даврнинг рухи акс этиб турибди. Буни адібнинг иқрорлари күрсатыб турибди.

Мактубнинг жанрий хусусиятларидан бири бу мурожаат ҳисобланади. Таҳлил этажтегінің мактубда бундай мурожаатлар күп учрайди: "Биродарлар! Ёзувчи – халқ вијждони деган гап бежиз айтілған эмас", "Биродарлар, жиндай бағри кенг бўлайлик, ахир!", "Дўстлар! Тағин бир андишани айтмай иложим йўқ. Эл эътиқод қўйған бир шоирнинг узлатга чекинишни орзу қилиш сизларнинг юрагингизни эзмайдими, дўстларим?" Бу каби мурожаатлар мактуб муаллифининг беғаразлиги, миллий адабиётимиз равнақи учун курашаётганлигини намоён этади, иккинчидан, бу мурожаатлар бир кишига эмас, балки ижод аҳлини уйғотишга, сергак бўлишга чақириш руҳининг устуворлигини ҳам кўрсатади.

Ушбу мактуб, биринчидан, қайта қуришдек мураккаб бир даврда ёзилгани, адіб даврнинг моҳиятини чуқур ҳис этиб, адабиёт учун куюнчаклик қилаётганини кўрсатади. Иккинчидан, муаллиф ўзбек адабиёти равнақи учун нақадар жон кўйдириб фикр юритаётгани, халқ, юрт манфаати учун бирлашишга чақираётганини кўриб, унинг қиёфасини ёрқин кашф эта олади. Таникли адіб, ўткір публицист, сезгир танқидчи сифатидаги қиёфасини, халқпарвар инсон, миллатпарвар ёзувчи эканлигини кўради.

Ў.Ҳошимов ўзи ёзувчи бўлгани учун ижод машакқатларини яхши билади. Шу боис ўз асарларига, ижодига ҳам масъулият билан ёндашади: "Ҳамиша бир орзу билан яшайман. Шунака бир китоб ёсангки, уни ўқиган китобхон ҳамма нарсани унутса, асар қаҳрамонлари ҳаёти билан яшаса. Китобни ўқиб бўлган куни кечаси билан ухломай тўлғаниб чиқса, яна ақалли бир неча кун гарангсиб юрса... Орадан йиллар ўтиб асарни қайтадан қўлига олганида тағин ҳаяжонланса... Энг катта орзум шу". Адіб бошқалардан ҳам шуни талаб қилишга ҳақли эди. Яхши асар китобхонни ҳаяжонлантириши, ўйга толдириши, ҳаёт ҳақида сабоқ бериши кераклигини бошқа асарлари, мақола, мактубларида ҳам уқтиради.

Ў.Ҳошимовнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганиш унинг халқпарвар, фидойи адіб, ўткір публицист, эссеавис, хотиранавис сиймосидаги ўзига хослигини чуқур англашга, бой маънавий қиёфаси билан ўқувчи қалбida маҳкам ўрнашишига кўмак беради. Адібнинг адабий-танқидий қарашлари жамланган асарларининг ўзига хос хусусиятларини, композицион ва тил қурилишини, маҳоратини тадқиқ этиш адабиётшунослик олдидағи мұхим вазифалардан бири бўлиб қолади.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Ўткір Ҳошимовнинг адабий-танқидий қарашларини ўзига жамлаган эсселари, адабий сұхбати ва мактублари ҳақида фикр юритилади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье речь идет об эссе, литературных беседах и письмах Уткира Хошимова, которые содержат литературно-критические взгляды писателя.

**RESUME.** The article discusses Utikir Hoshimov's essays, literary conversations and letters, which contain his literary-critical views.

**Таянч сўз ва иборалар:** адабий танқид, адабий ўйлар, эссе, адабий сұхбат, эстетик қарашлар, ёзувчи мактуби.

**Ключевые слова и выражения:** литературная критика, литературные мысли, эссе, литературная беседа, эстетические взгляды, авторское письмо.

**Key words and word expressions:** literary criticism, literary thoughts, essays, literary dialogue, aesthetic views, author's letter.

## СОДЕРЖАНИЕ

### **Языкознание**

Н.Махмудов. Синонимы – зеркало красочности и богатства языка.....	3
Ё.Одилов. Языковая ситуация.....	10
Н.Улуков, Х.Ахмедова. Эрнст Бегматов и узбекская культура речи.....	16
Д.Худайберганова, З.Мукимова. Теория лингвокультурных кодов и узбекские народные пословицы.....	20

### **К 80-летию со дня рождения Уткира Хошимова**

Ш.Ахмедова. Литературно-критические взгляды Уткира Хошимова.....	24
М.Кучарова. Анализ двух повестей о матери.....	29

### **Литературоведение**

С.Туляганова. Литературная личность в эпоху социальных сословий.....	33
У.Саттаров. Интерпретации эпических мотивов в топонимических легендах.....	39

### **Научные сообщения**

Х.Хамидов. К вопросам перевода названий художественных произведений..	45
Б.Раджабова. Интерпретация маҳдуdot в "Вакфии" .....	50
С.Матжанов, А.Саатова. Интерпретация природы и психики в детской поэзии.....	55
Й.Рахматов. Хади Зариф – исследователь узбекских народных пословиц.....	59
Т.Шаймарданов. Узбекская литература периода национального возрождения и Сиддики-Аджзи.....	65
Э.Джуманов. Выражение исходных формул в сказках.....	70
Х.Палванова. О переиздании романа "Минувшие дни" .....	74
М.Атабаева. Английский юмор и его отражение в переводе.....	78
И.Давлетмурадов. Художественная интерпретация образа женщины.....	83
Х.Хасанов. Эволюция философско-эстетической интерпретации.....	87
Н.Турсунова. Поэтическая фигура ирсоли масал в творчестве Мукими.....	90
Н.Алисултанова. Художественные интерпретации образа лошади.....	94
М.Сулейманова. Образ талисмана в народных песнях.....	98
Э.Курбонова. Изучение жизни и творчества Сулеймана Бакиргани в Турции.....	101
Р.Джуманиязов. Замахшари о речи и ораторском искусстве.....	104
З.Юлдашева. Лингвопоэтика симметричных и смешанных повторяющихся единиц в эпосе "Халдархан" .....	107
Н.Ахмедова. Об изучении детской речи в лингвистическом аспекте.....	113
З.Урунова. Источники обогащения терминологии дефектологии узбекского языка.....	118
Ш.Алиева. Некоторые мнения о типах деривации.....	123

### **Деятели науки**

Н.Джумаходжа. О дружеских отношениях и сотрудничестве академика Азиза Каюмова с профессором Абдукадымом Хайитметовым.....	127
---	-----